# СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

- АЁЛ СУТИНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ
- ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШУНДАЙ НАФРАТ УЙҒОТИШАР ЭДИ
- УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ
- БУНИ МЎЪЖИЗА ДЕСА БЎЛАДИ
- ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ДАВО
- АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон ва жаҳон

## Тиббий соҳадаги ҳамкорлик

**ОММАВИЙ ахборот воситаларида, матбуотда Ўзбекистоннинг чет эллар билан турли соҳаларда қилаётган ҳамкорлиги ҳақида тез-тез хабарлар берилиб турибди. Ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони эса тобора ортиб бормоқда. Ана шундай ҳамкорлик жумҳуриятимизнинг тиббий соҳасига ҳам кириб келмоқда. Тиббий соҳадаги мутахассисларимиз чет элларга чиқиб ўз соҳаларида тажриба алмашиб келмоқдалар.**

**Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳининг проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Акром Фозилов билан ҳам чет эллар билан тиббий соҳадаги алоқалари ҳақида суҳбатлашдик.**

— Бизни, айниқса олимларни хурсанд қилаётган нарсалардан бири шундан иборатки, жумҳуриятимизда биринчи навбатда ёш олимларни янада шакллантириш, уларни мақсадга тезроқ эриштириш юзасидан бўладиган чет эллар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, чет эллардаги таниқли олимлар билан мулоқотни кучайтириш, чет эллардаги ривожланган технология билан таништириш борасида бир мунча кўзга кўринарли ишлар олиб борилаяпти, — дейди А. Фозилов. — Лекин, кўзга кўринадиган камчилик борки, у ҳозир яққол сезилиб турибди. Бу камчилик нимадан иборат? Мана, ўзбек тилини ривожлантириш, рус тилини муттасил ўрганиш билан бирга бизнинг ўзбек йигит-қизларимиз чет тилларни ўзлаштиришдан узоқлашиб қолдилар. Инглиз, француз, немис тилларини билмаган шифокор чет эллик олимлар билан мулоқот қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки тиббиёт соҳасида чиқаётган адабиётлар билан танишиб чиқиши бир мунча қийин бўлади. Шунинг учун биринчи навбатда мен ўйлайманки, жумҳуриятимиздаги тиббий илмгоҳларда бизнинг шу бўлажак шифокорларимиз асосий фанларни ўзлаштириш билан бирга чет тилларни ҳам ўрганишса ёмон бўлмасди.

**— Акром ака, ўз соҳангиз бўйича қайси мамлакатларда бўлгансиз?**

— Мен сўнгги йилларда Германия Федератив Республикасида, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Афғонистон, Покистон мамлакатларида бўлдим. Қаерга бормайлик, даставвал бизни ўзбек диёридан эканлигимизни билишса, биз билан учрашган олимларнинг кўнглида иссиқлик сезамиз. Биз Ўзбекистонданмиз десак улар албатта Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби буюк алломаларни тилга олишади. Мана шуларнинг авлодлари, набира, эваралари, юртдоши деб тушунишади. Уларнинг хаёлларида бизда, халқимизда аслида илм-маърифатнинг ўчоғи, қўри ҳали сақланиб қолган.

**— Суҳбатга тайёрланиш жараёнида сиз ўтган йили покистонлик жамоат арбоби Ҳаким Муҳаммад Саид жаноблари жумҳуриятимизга ташриф буюрганларини айтиб ўтдингиз. У кишининг жумҳуриятимизга ташриф буюришларининг боиси нимада?**

— Ҳаким Муҳаммад Саид жаноблари Иттифоқимизда ташкил этилган Ибн Сино мукофотига сазовор бўлган киши. Шу муносабат билан у киши юртимизга ташриф буюрган. Уларнинг мақсадлари нафақат мукофотни олиш, балки Ибн Сино Ватанига таъзим қилиш эди. Ўзбекистонга келиб мен билан бирга Афшонада бўлдилар. Самарқанд, Бухорода бўлдилар. Учрашувларимиз давомида шундай фикрга келдикки, Покистон ва Ўзбекистон олимлари шифобахш дори моддалар соҳасида бир мунча кўзга кўринадиган ишлар олиб бориши мумкин экан. Масала шундаки, Ҳаким Муҳаммад Саид жанобларининг «Ҳамдард фондейшн» деган ташкилотлари Ибн Сино йўли билан доривор моддаларни шу давргача ишлаб чиқарар ва бир қанча чет давлатларга сотар экан. Мен Покистонда бўлганимда бу фирманинг технологик лабораториялари билан танишдим. Биргаликда иш олиб борадиган Огахон тиббий дорилфунунида ҳамда Карочидаги химия технология олийгоҳларининг профессорлари билан учрашдик.

**— Акром ака, бизнинг диёримиз доривор ўсимликларга бой. Ана шу Покистоннинг «Ҳамдард фондейшн» ташкилоти билан шартнома тузиб, унинг бирор бир филиалиними ёки бўлмаса бўлиминими жумҳуриятимизда барпо этсак, улар бунга йўқ дейишмас.**

— Ҳа, албатта. Агарда биз «Ҳамдард» ташкилоти билан шартнома тузиб, ишимизни юргизадиган бўлсак, улар бизга ўзининг технологиясини беради. Биз ўзимизнинг жумҳуриятда, қолаверса Ўрта Осиё жумҳуриятларида доривор ўсимликларни йиғиб олишни ташкил қилишимиз, уларни қайта ишлашни йўлга қўйишимиз ва амалиётга тадбиқ этишимиз керак бўлади.

**— Шарқ мамлакатларининг тиббий соҳадаги ютуқларини кузатсангиз кўпроқ эътиборингизни Покистон мамлакати тортади. Сабаби «Жаҳон мамлакатлари маълумотномасида» берилишича Шарқ мамлакатларининг орасида фақатгина Покистон хирургия анжомларини экспорт қилар экан. Бундан кўриниб турибдики, бу мамлакатда нафақат хирургия анжомларини ишлаб чиқариш, балки доривор моддаларни тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган экан. Улар билан алоқа қилишнинг боиси ҳам ана шунда бўлса керак.**

— Масала шундаки, шарқда ғарбдаги ривожланган давлатларга нисбатан халқ тиббиёти кенг ривожланган. Бу фақатгина ҳозирги кунда эмас, асрлар давомида шундай бўлган. Шарқ давлатларидан Ҳиндистон, Покистон, Хитой ва шунга ўхшаган давлатларда кўпроқ тиббиётда ўсимликлардан олинган доривор моддалар маълум миқдордаги аралашмалари, қоришмалари кўп истеъмол қилинади. Бу доривор моддаларнинг устунлиги шундан иборатки, Европа давлатларида ишлаб чиқарилган доривор моддалар баъзи бир аллергик хусусиятга эга.

**— Суҳбатимиз давомида айтиб ўтганимиздек, бизнинг олимларимизнинг довруғи кўпгина хорижий мамлакатларга етиб борган. Бу олимларимиз дунёдаги таниқли олимлар билан бир қаторда меҳнат қиляпти десак менимча янглишмаган бўламиз. Бунга мисол қилиб шаҳримиздаги клиник касалхонада грек фуқаросининг даволанганлигини айтишимиз мумкин. Қаранг, узоқ Грецияда ҳам бизнинг тиббий соҳадаги ютуқларимиз маълум экан.**

— Мен ўйлайманки, бизнинг олимларимиз ҳали очилмаган гулдай. Балки олимларимиз ҳали ўз тадқиқотларини, кашфиётларини етарли даражада ташвиқот қилиша олмас. Шу ташвиқот қилиш системаси бизда яхши йўлга қўйилмаган. Лекин олиб бориладиган ишлар доираси, уларнинг чуқурлиги ва кенглиги жиҳатдан бизнинг олимларимиз ҳам жуда юқори етакчи ўрин тутишади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Комилжон Аҳмаджонович Зуфаровнинг кашфиётлари ва уларнинг мактабларида олиб бораётган ишлари бутун жаҳонга маълум. Ленин мукофоти совриндори Ёлқин Холматович Тўрақуловнинг олиб бораётган ҳозирги кундаги эндокринология олийгоҳидаги ишлари нафақат жумҳуриятимизда ёки Иттифоқимизда, балки бутун дунёда маълум.

**— Мана шу қилинаётган ишларнинг давомчилари ва қилиниши керак бўлган ишларни бажарувчилар кадрлардир.. Шундай экан, кадрлар тайёрлаш борасида ишлар қандай кетяпти. Ўзингизнинг хабарингиз бор: ўтган йили жумҳуриятимиздан уч ёш иқтисодчи олим Америка Қўшма Штатларига ўқишга юборилди. Мана шунга ўхшаш тиббий соҳа олимларини, шифокорларни ҳам илғор ривожланган мамлакатларга, айниқса тиббиёт соҳасида дунёга танилган мамлакатларга тажриба алмашиш тариқасида юборилиш мўлжалланганми?**

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ёш, эътиқодли олимларни танлаш ва чет элларга юбориш борасида жуда самарали ишлар олиб борилаяпти. Лекин, боя айтганимдек кўпчилик ёш олимларимиз, йигит-қизларимиз чет тилларни чуқур билмаслиги бу ишни секинлатиб турибди.

**— Сиз бир неча давлатда бўлиб келганлигингизни айтдингиз. Мана шу мамлакатларда бўлиб қайтганингиздан кейин ўша ердан олган тиббий соҳадаги таассуротларингиз билан ҳамкасбларингиз ўртасида ўртоқлашасиз. Айтингчи, ана шу мамлакатларда бўлиб, ўзингиз учун, тиббиётимиз учун қандай тажрибаларни олиб келгансиз? Қандай ишларни ўрганиб ўз ишингиз жараёнида қўллашга ҳаракат қилдингиз?**

— Чет элларда бўлиб таниқли олимлар билан учрашиш ва йирик марказлар билан танишиш орқали мен орттирган тажриба бу ерда жуда асқотади. У ердаги тараққиёт, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар, янгиликлар ҳаммага фойдали. Шу боисдан мана шу кўрган-билганларимни тезроқ ҳамкасбларимга етказишга, амалиётда тадбиқ этишга ҳаракат қиламан.

Суҳбатдош Ғафур ЖАМОЛОВ.

Наботот оламида

## ТАНТИ НЕЪМАТ

ЛАВЛАГИНИ хосиятли ўсимлик сифатида кўҳна замонлардан бери етиштириб келадилар. Деҳқончиликнинг илк дамларида одамлар овқатга ишлатган. Қадимий табибларнинг фикрича, лавлаги илдиз мевасининг шарбати одам организмида модда алмашувини яхшилаб, уни мустаҳкамлайди. Халқ табобати амалиётида лавлаги илдиз мевасининг шарбати асли асал билан омухталикда хафақон хасталиги ҳамда шамоллаш билан боғлиқ касалликларда синалган даволардан ҳисобланади. Бир вақтлар лавлаги шарбатини саратон (рак) касаллигига қарши ишлатишган. Қайнатилиб пиширилган лавлаги сурункали қабзиятга кўҳна замонлардан бери даво ҳисобланади. Халқ табобати амалиётида мабодо тиш оғриғи ҳуруж қиладиган бўлса, унда лавлагининг хомидан бўлакча олиб оғизда ушлаб туриш тавсия қилинади, шунда изтиробли оғриққа маълум даражада тасалли беради. Агар тумовда бурундан қуюқ ажратмалар оқадиган бўлса, у ҳолда лавлаги қайнатмасининг шарбати билан ташқи муолажа қилиш тавсия этилади. Силла қуритадиган, узлуксиз ич қотишида лавлаги қайнатмаси билан ҳуқна этилса, ижобий натижасини намоён этади.

Тананинг ташқи томонида ҳосил бўлган ўсма ва яраларда лавлаги шарбатини ичишдан ташқари, лавлаги бўтқасини мазкур жойларга қўйиб, устидан барги қамралган ҳолда тутиш кўп марта қайтарилади (бўтқа қуруқланадиган бўлса, янгилаб туриш билан), ўсимлик баргларининг эзилмаси яллиғланишни қайтарувчи омил сифатида тананинг озор топган жойларига қўйилади.

Қайнатилган лавлаги ва қайнатма шарбати ични юмшатувчи ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида танилган.

Маълумотларга қараганда, лавлаги ошқозон-ичак йўли ва жигар касалликларида фойдали бўлиши билан бирга, беморга тинчлантирувчи таъсир ҳам кўрсатади.

Лавлагини танти неъмат деганларича бор. Бундан тахминан 230 йиллар бурун биринчи бор лавлаги асосида шакар чақмоқчалари олинган бўлса, XIX асрнинг бошларида дастлабки қанд заводлари ташкил қилиниб, саноат миқёсида лавлагидан шакар олина бошланди.

Энди лавлаги ўсимлиги билан яқинроқ танишишга тўғри келади.

Лавлаги — шўрадошлар оиласига мансуб, бир, икки ва кўп йиллик ўсимлик. Лавлагининг 10 тури қайд қилинган бўлиб, шулардан бештаси Иттифоқимизда учрайди. Лавлаги биринчи йили турли кўринишга эга бўлган «этдор» илдиз, бандли барглар чиқаради. Илдизмева япроқ, думалоқ, тухумсимон, цилиндрсимон, конуссимон кўринишга эга бўлиб, ранги турлича бўлиши мумкин.

Экма лавлаги икки йиллик бўлиб, биринчи йили илдиз ва барг чиқаради, иккинчи йили илдизмевасидан гулпоя ривожланиб, уруғ ҳосил бўлади. Гули икки жинсли, ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланади, меваси ёнғоқча. Экма лавлагининг бурак, қанд, ҳашаки навлари бор. Эрамиздан олдинги 2—1 мингинчи йилларда Ўрта денгиз соҳили мамлакатларида барг маҳсулотли лавлагилар ишлатилиб, маданийлаштирилган. Дастлабки илдизмевали лавлагилар эрамиздан бироз олдин етиштирилган бўлиб, аста-секин Юнонистон, Византия, Болқон мамлакатлари, Киев Руси, Ғарбий Оврупо, шунингдек, Эрон, Афғонистон ва Хитойда экила бошлади.

Эндиликда лавлаги кўплаб етиштириладиган сабзавот ҳамда хом ашё ва уй ҳайвонлари учун озуқа сифатида фойдаланиладиган ўсимликлардан ҳисобланади. СССРда лавлаги асосан Украина, Шимолий Кавказ, Марказий Қоратупроқли вилоятларда, Поволжье, Молдова, Қозоғистон, Белоруссия, Болтиқбўйи республикаларида, Олтойда етиштирилади.

Маннон НАБИЕВ.



Шаҳримиздаги Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг госпиталида фахрийлар даволанишлари учун барча шароит муҳайё. Шифокор ва ҳамширалар беморлар билан ўта хушмуомалада бўлишади. Шунинг учун ҳам шифохонадаги таклиф ва истаклар дафтарида миннатдорчилик сўзлари кўп.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ҳамшира Маҳмуда Олимхўжаева. 1-ички касалликларни даволаш бўлими мудири Асқар Юсупов беморни кўрмоқда. Ҳамшира Асия Галиева 20 йилдирки шарафли касбини эъзозлаб келяпти.

В. Тўраев суратлари.

Ал-ХОРАЗМИЙ заводининг ишчиси Владимир иккинчи сменага ишга келди. Кечга бориб, икки сменада тинимсиз ишлаган дастгоҳ қизиб кетди. Кейин аҳён-аҳён тўхтаб қола бошлади. Владимир у ёқ-бу ёғини очиб қаради. Шу вақт дастгоҳнинг ўткир қиррали эшиги кучли тезлик билан келиб ёпилди-ю, яна очилди. Владимир қўлини тортиб олишга улгура олмади. Кафтининг қоқ ўртасидан бешта бармоғи билан узиб кетди.

Бу воқеа кўз очиб юмгунча содир бўлди. Владимир кейин нима бўлганини эслай олмайди. Чунки аллақачон ҳушини йўқотганди.

Тун. Соат икки. «Тез ёрдам» эндигина 28 ёшни қаршилаган беҳуш В. Исместевни шаҳар 6-касалхонасига олиб келди. Уни қабул қилган жарроҳ аъзонинг узилиб қолган қисмини тезликда топиб келтиришларини сўради.

— Бир вақт ўзимга келиб қарасам қон тўхтаган. Кафтимнинг эса ярмиси йўқ, — деб эслайди. Владимир. — Ўшанда «Энди қўлсиз қолар эканман» деб ўйлагандим. Ниҳоят, бир оздан сўнг, қоғоз пакетга солинган қўлимнинг узилиб қолган қисмини олиб келишди.

## АҚЛИНГИЗ ЛОЛ ҚОЛАДИ

Операция бошланди. Ўн икки соат микроскоп остида олиб борилган машаққатли операциядан сўнг Владимирнинг қўллари қайтадан жойига уланди. Жарроҳлардан иборат иккита бригада эрталабгача тиним билмади.

— Бармоқларингизни қимирлата оласизми? — сўрайман қизиқиб.

— Ҳа, қимирлата оламан, — дейди у.

...Уланган бармоқлар илиқ. Демак томирларда қон айланяпти. Ўша куни жонсиз бармоқларга айланган бу аъзоларга қайта жон битди. Кўз илғамас қанчадан-қанча асаб толаларини қайта бириктириб, минглаб майда томирларни бирбирига улаш осонми?..

Ушбу митти жарроҳлик маркази 1986 йили Тошкент шаҳар 6-касалхонаси қошида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Восит Воҳидович Воҳидов ташаббуси билан ташкил этилди. Шу кунга қадар бу ерда икки ярим мингдан ортиқ беморнинг жароҳатлари даволанди. Қанчадан-қанча жонсиз аъзоларга қайта жон берилди.

Олтмиш ўриндан иборат бу бўлимга тиббиёт фанлари номзоди Элдор Ўрмонов раҳбарлик қилмоқда.

— Элдор Федорович, бу ишларни амалга оширишда қандай муаммоларга дуч келмоқдасиз? — деб сўрайман бўлим бошлиғидан.

— Муаммолар кўп, — дейди у бироз хаёлга чўмиб. — Чунки ишлатиладиган ҳар бир асбоб Англия, Япония каби чет эллардан келтирилади. Уларни Москва орқали қанчалик қийинчиликлар билан олаётганимизни тасаввур қила олмайсиз. Бундай асбобларни ишлаб чиқариш учун республикамизда ҳеч қандай технология йўқ. Мисол учун бир дона ниnaнинг ўзи 18 доллар туради. Битта операция учун эса учта нина кетади. Тасаввур қилинг-а, битта операция қанчалик қимматга тушаётганлигини...

Комила СУЛТОНОВА.

## ПИЁДА ЮРИНГ

«Кўп юрсанг — узоқ яшайсан» деган халқ мақоли бор. Дарҳақиқат, пиёда юриш — саломатликни мустаҳкамлайдиган энг қадимги воситалардан бири. Пиёда юрганда кўп мушаклар ишга тушади. Организмнинг юрак-томир, нафас олиш ва бошқа системалари фаолияти ошади. Кун бўйи ишлаб чарчаган одам ишдан кейин 20-30 дақиқа пиёда юрса чарчоғи ёзилиб, тетиклашади. Пиёда юриш, хусусан ёши ўтиб қолган ва узоқ вақт физкультура машқлари билан шуғулланмай юрган одамлар учун жисмоний машғулотнинг ажойиб тури бўлиши мумкин. Вақтингизга қараб ҳар куни — ярим, бир, икки соатча пиёда юринг. Аммо, вақтингиз қанчалик кам ёки тиғиз бўлса, шунчалик шахдам-шахдам қадам ташлаб юринг. Яхшиси ҳафтада 3 — 5 марта, хусусан эрталаб ёки кечқурун (бироқ ухлашдан камида икки соат олдин) юришга одатланинг. Ишни шундай бошланг: қўл ва оёқларингизни силтаб кўтариб туширинг, эгилинг, чўккалаб ўтиринг. Охирги 5 — 10 дақиқа аста-секин юринг. Шу зайлда 2 — 3 ой юриб турсангиз фойдасини билиб оласиз.

**Михаил ГРИНЕНКО,**
**педагогика фанлари номзоди.**

## ҲАЁТ ЗАҲРИ

⊙ Ўтмишдаги Спартада одамларга ичкиликнинг мараз, жирканч касофатларини ва шармандали кучини кўрсатиш учун қуллар ўлгудек ичирилиб, маст ҳолати халойиққа намойиш этилган. Шу билан ёшларда ичкиликка нисбатан ижирғаниш уйғотилар эди. Ликург ҳокимлигида Спартада мавжуд бўлган бутун узумзорлар йўқ қилиниши ҳақида фармон чиққанлиги маълум.

⊙ Ўрта асрларда Англияда ичкиликбозликни — шармандагарчиликнинг энг ёмони деб билишган: маст кишиларнинг бўйнига ёрлиғ осиб, кўчалар бўйлаб сазойи қилишган. Қизиғи шундаки, кейинчалик газета саҳифаларида ичкилик домига тушганларнинг исми, турар жойи аниқ қилиб кўрсатиладиган бўлди.

⊙ XVIII асрнинг бошларида Англия парламенти арақ ичадиганларга ҳаддан ташқари кўп солиқ тайинлади. Мабодо бунга итоат қилинмаса, қонунбузарлар дарра билан жазоланганлар.

Султон РАСУЛОВ.

## КАЙФИЯТ УЛАШУВЧИЛАР

БИЗ бир гуруҳ Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ушбу дил сўзларимизни «Оқшом»да эълон қилинишини илтимос қиламиз. Чунки бизга хизмат қилаётган «Олмазор» даҳасидаги 144-дорихона ходимлари миннатдорчилик билдиришга арзийдилар. Сирожиддин Тўрақулов раҳбарлик қилаётган бу жамоа аъзолари бир-бирларидан ўта хушмуомала, доим ҳурматингизни ўрнига қўйиб кутиб олишади, зарур дори-дармонларни хонадонимизга ўз вақтида етказиб беришади, кайфиятимиз, саломатлигимиз билан мунтазам қизиқишади, қўлларидан келган ёрдамни аяшмайди.

Ниятимиз, шу дилкаш инсонларнинг умрлари узоқ бўлсин.

Бир гуруҳ фахрийлар номидан:

**Улуғ Ватан уруши ногирони**

Ҳосил НОСИРОВ.

**Жами 15 имзо.**

Советлар мамлакатида

### ЗИЛ, ЛЕКИН МОСКВАНИКИ ЭМАС

ЦЕЛИНОГРАД. «Целиноградсельмаш» заводи ЗИЛ юк машиналарининг ва ўғит ташишга мўлжалланган махсус машиналарнинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди. Бу ўз ҳамкасбларига ЗИЛ-130 машиналари учун шассилар етказиб бераётган Москвадаги Лихачев номли автозавод билан ҳамкорлик қилиш туфайли мумкин бўлди. Целиноградлик автомобилсозлар ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб машиналар учун буюртмалар олишди.

### ПЛАЗМА — ЭКОЛОГИЯ ХИЗМАТИДА

СУМИ. УССР Фанлар академияси металлар физикаси илмгоҳининг Сумидаги илмий-техника маркази мутахассислари едирилмайдиган, занглашдан сақлайдиган қопламаларни плазма ёрдамида пуркаш технологиясини ва шу мақсад учун мўлжалланган қурилмани ишлаб чиқдилар. Янги линия жуда самарадорлиги, кичик ва катта ҳажмли нарсаларга ялпи ишлов бера олиши билан ажралиб туради ва деворни пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришда, металл идишларга манзарали суратлар чизишда қўлланилиши мумкин. Бундай техникадан фойдаланиш экология учун зарарли гальваник ишлаб чиқаришдан воз кечиш имконини беради.

### ВАЛЮТАНИ СОТИБ ОЛАСИЗМИ?..

РИГА. Биринчи бўлиб валюта билан савдо қилишга расмий рухсатнома олган хўжалик ҳисобида ишловчи давлат корхонаси ҳар куни долларнинг сўмга нисбатан қийматини белгилайди. Харидорларга белгиланган намунадаги квитанциялар ёзиб берилади. Бу квитанцияларни республика божхона ходимлари тан олишади, лекин у валютани СССРдан олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини бермайди. Бунинг учун алоҳида рухсатнома талаб этилади. Ҳозир идора бир долларни 30 сўм 50 тийинга сотиб олаяпти, кейин эса 34 сўмдан сотяпти. Ригада яқин вақт ичида яна иккита саррофхона очиш режалаштирилмоқда.

### БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН ПОЧТАХОНАДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ

ТАЛЛИНН. Почта банки ишлай бошлаши биланоқ Эстония аҳолиси ҳар қандай алоқа бўлимида зарур банк операцияларини, шу жумладан эркин муомаладаги валюта билан амалга ошириладиган операцияларни бажариши мумкин. Тарту тижорат банки раҳбарияти шундай банк очиш тўғрисида республика почта идораси билан дастлабки тарзда келишиб олди.

### ПАРТИЯНИ ҚЎЛЛАБ ЮБОРДИ

ДОНЕЦК. «Гипрохимреактив» илмгоҳининг Донецкдаги филиалида ишловчи етакчи муҳандис Л. Топтигина Куйбишев район партия комитетига кутилмаган ёқимли туҳфа келтирди. Гарчи у коммунистлар рўйхатида бўлмаса-да, ҳар ойда кўнгилли равишда партия кассасига пул ўтказади. Мамлакатда авж олган партиядан холи қилиш кампанияси унинг эътиқодини сусайтирмади ва у коммунистларга фаол ёрдам беришда давом этмоқда. Унинг фикрича, мамлакатда бошланган ўзгартишлар жараёнини ёш авлод туғаллаши керак бўлади, шунинг учун ҳозир асосий куч-ғайратни ёшларни тарбиялашга қаратиш зарур.

(СИТА).



**«Комсомольская правда» рўзномаси ташкил этган ва мамлакатимизда илк бор ўтказилган «1991 йилдаги матбуот маликаси» танлови ниҳоясига етди.**

**Танлов ғолиблиги ва биринчи «СССР матбуот маликаси» унвонига Ленинградлик «Зебра» телевизион кўрсатувининг олиб борувчиси 20 ёшли Анна Даниленко сазовор бўлди. Танлов ғолиби сифатида у Америка Қўшма Штатларига ижодий сафарга чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўрин эса «Блиц» номли Киев ҳажвий рўзномасининг ходимаси Татьяна Сергага насиб этди.**

**СУРАТДА: Татьяна Серьга танлов пайтида.**

**В. Веленгурин (СИТА) сурати.**

ДИҚҚАТ!

Иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан 23 МАЙДАН 2 ИЮНГАЧА Дилхуш, Новза-Қозиробод кўчалари ва Домбробод даҳасида

**иссиқ сув бўлмайди**

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-32-32.**

**ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ**

Тошкент шаҳар Киров районидаги 272-ўрта мактаб томонидан Абдуллаев Ҳамидулла Ҳикматуллаевич номига берилган 356079 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**қуйидаги ихтисослар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— учиш аппаратларини йиғувчи чилангар;
— механика йиғув ишлари чилангари;
— кенг тармоқли станокчи;
— рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори;
— токарь;
— фрезерчи;
— электр пайвандчи;
— тикувчи-мотористка.

**ЎҚИШ МУДДАТИ:**

**СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҚАЙТГАНЛАР УЧУН — 6 ой** (бошқа шаҳарликлар учун ётоқхона бор).

**11-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 10 ой.**

**Ойига 115 сўм стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикасидан тушган иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.**

**ЎҚИШ ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

**9-синфни битириб, 1—2 йиллик гуруҳларга қабул қилинганлар, битиргандан сўнг касб олганликлари ҳақида ҳужжат оладилар.**

Хоҳловчилар билим юрти қошидаги кечки мактабда ҳам ўқишлари мумкин.

3 йиллик гуруҳларга қабул қилингалар тўлиқ ўрта маълумот ва касб олганликлари ҳақида диплом оладилар.

Ёшларга узлуксиз техникавий маълумот бериш мақсадида билим юрти Тошкент машинасозлик институти-экспериментал ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирган. Умумий ўқиш муддати 7 йил бўлиб, биринчи поғонасида ўқиш 2 йил давомида билим юртида ўтади.

**КИРУВЧИЛАР математикадан** (оғзаки), **она тили** (ёзма) **имтиҳон топширадилар.**

**Битиргандан сўнг тўлиқ ўрта маълумот ва касб олганликлари ҳақида ҳужжат оладилар.**

Ўқишни муваффақиятли тугатганлар Тошкент машинасозлик институти ёки авиация техникумида ўқишни давом эттирадилар.

9-синфни битириб, билим юртини барча туридаги гуруҳларига қабул қилинган ҳамма ўқувчилар бепул кийим-бош ва иссиқ овқат билан таъминланадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА КИРАДИ.

**МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

**Ўқувчилар ўқиш даврида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-хизматчилар учун жорий этилган имтиёзлардан ҳам фойдаланадилар.**

ЎҚИШНИ ТУГАТГАНДАН СЎНГ ШУ КОРХОНАДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

**ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** директор номига ариза, 9-синфни тамомлаганлиги ҳақида ҳужжат ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (паспорт), яшаш жойидан справка, ота-онасининг ишхонасидан справка, 6 донадан 3х4, 4х5 см фотосурат.

Билим юрти манзилгоҳи: 700207, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 119, 151, 192, 110, 42, 44-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

